

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учкун» номи билан чиқа бошлаган

№20 (65847)
1995 йил, 6 июнь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

Жонажон улкамизда болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни катта байрам сифатида нишонланди. Шу куни болалар уйларининг ҳар бир тарбияланувчиси юртбошимиз номидан совға олди. Бу мақсад учун Президентимиз бир миллион икки юз минг сумдан кўпроқ пул ажратди. Республика халқ таълими вазири Жура Йўлдошев бу тадбирни болалар туғри-сида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, деб атади. Яқинда болалар уйларининг номи ўзгартирилди. Энди улар «Меҳрибонлик уйлари» деб юритиладиган бўлди. Бу халқимиз руҳиятига мос номдир. Чунки, улар ҳаммиса меҳр-шафқат билан тарбияланаяптилар.

жамғарма банкларидан дафтарчалар очилиб, уларга энг кам иш ҳақининг икки ҳиссаси миқдоридан давлат ҳисобидан пул утказилганига нима дейсиз? Бу ҳам катта ғамхўрликнинг рамзи эмасми?

Байрам арафасида Ҳиндистондан хушxabар келди. «Шанкар-94» болалар чизган расмларнинг халқаро танлови якунланди. Ўш рассомларимиздан 12 нафари совринлар билан тақдирланди. Резида Собиржонова чизган «Болалик поэзияси» сурати Жавоҳарлаъл Неру номидаги олтин медалга сазовор бўлди.

Хур диёримиз дилбандлари келажакда буюк мамлакатнинг муносиб кишилари бўлиб етишишлари учун ҳамма шароит яратиб берилаяпти.

ХУР ДИЁР ДИЛБАНДЛАРИ



БИР ҲАФТА АНГЛИКЛАРИ

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга тобора кўпроқ танилиб бораётир. Бизнинг олий ўқув юртимиз сони ҳам кўпаяётгани, айниқса, қувончлидир. Энди Тошкент давлат авиация институти ҳам ташкил этиладиган бўлди.

Сахалин оролида юз берган табиий офат — кучли zilzila натижасида одамлар ҳалок бўлди. Шу муносабат билан юртбошимиз Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Николаевич Ельцинга ҳамдардлик билдирди. Зilzиладан зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш учун 100 минг АҚШ доллари ажратилган бўлди. Бундан ташқари жабрланганларга маблағ тўлаш мақсадида меҳр-шафқат счёти ҳам очилди.

Халқимизнинг сеvimли шоираси, муҳаббат ва ҳаёт куйчиси, меҳрибон ва талабчан устоз, жамоат арбоби, бир неча Халқаро мукофотларнинг соҳибаси Зулфия опа-мизнинг 80 йиллик тўйи муносабати билан Президентимиз табрикнома йўллади, юбилей «Туркистон» саройида катта тантана билан нишонланди.

Самарқандда Ўзбекистон ёшларининг «Талабалар баҳори-95» фестивали бўлиб ўтди. Анжуман «Илм, тараққиёт, келажак» шiori остида ёшлар байрамига айланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармон чиқарди. Шу фармонга мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм буйича махсус очик иқтисодий минтақалар ташкил этиладиган бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси минтақавий олий ўқув юрларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунингдек, 1995/96 ўқув йилида республика олий ўқув юрларига қабул тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

«1995 йилнинг 1 чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликда ислохотларнинг купилаётган якунлари тўғрисида». Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 июндаги қарори ана шундай деб аталади.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойи қатнашчилари Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб, Ватанимиз янада жадалроқ гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга чақирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия ҳамда Литва давлатларига расмий ташриф билан боради. Болтиқ буйи мамлакатларига сафар бугун бошланади.

Куни-кеча пойтахтимиз сайлгоҳи яна байрамона либосга бурканди. Карнай-сурнай-ю ногора садолари тошкентликларни, шаҳримиз меҳмонларини ёш усталар намойиши, иқтидорлар, истеъдодлар кўригига чорлади. Ўтган йили ҳам ташкил қилинган ана шундай ярмаркадан ўзлари учун зарур бўлган уй-рўзгор буюмларию отабобларимиздан мерос миллий санъатимиз, хунармандчилигимиз дурдоналаридан харид қилган одамлар яна «Хунар-техника билим юрлари ўқувчилари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ярмаркаси бўлармиш» деган хушxabарни эшитиб, сайлгоҳ томон ошиқшди. Минг турдан зиёд, сифати, харидорлиги билан завод ва фабрикаларда чиқарилаётганларидан қолишмайдиган маҳсулотлар кўйилган гавжум бир бозор. Бозорнинг эгалари эса ёшлиқданок бирон бир хунарли бўлиш иштиёқида ёнаётган ёшлар.

Ана, кимдир нақшинкор жилолар билан сайқалланган қутичани харид қиляпти. Яна кимдир нафис ипакларга қалб кўри қўшиб тўқилган нақшинкор гиламчаларни синчиклаб томоша қилиш билан банд. Хорижлик меҳмонларни айтмайсизми?! Ўз юрларида болаларига кўрсатиш учун кўли гул ёш усталарнинг суратларини олиш билан овра. Расталарда Хоразм гиламларидан тортиб, Самарқанд хонтахталарию Наманганнинг алвон шойи-ипак либосларигача бор. Нархлари ҳам бозорлардагидан анча мунча арзонлиги қувонтиради кишини.

Биз расталар ортида туриб ўзлари ясаган маҳсулотларини намойиш қиляётган болаларни суҳбатга тортидик:

ЖИЛОЛАНГИН, ХУНАРИМ!

— Биз ака-ука Ҳасан-Ҳусан Буриевлармиз, — дейишди улар, — Жиззах шаҳридаги 9 — хунар-техника билим юртида таҳсил оламиз. Билим юртимиз қошида ташкил этилган кичик корхонада 17 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Авваламбор бир хунарни бошидан тутиб, ота-оналаримизнинг оғирини елгил қилсак, деймиз. Қолаверса, бу билим юртимизнинг моддий маблағи ҳам яхшиланади. Бугунги ярмаркага ҳам ўз кўлимиз билан ясаган маҳсулотларимизни, челақ, тоғора, хокандоз каби уй-рўзгор буюмларини олиб келганмиз. Савдомиз чакки эмас. Кўриб тур-

ганингиздек, кўлимиз кўлимизга тегмаяпти... Ярмаркада ўқув юрларининг ҳаваскорлик жамоалари республика фольклор фестивалининг голиблари ҳам иштирок этиб, ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулхўшим Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев, Бош вазир уринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Ўзбекистон халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, Тошкент шаҳар хокими Козим Тулаганов, Тошкент вилояти хокими муовини Дилбар Жаҳонгировалар ҳам меҳ-

мон бўлиб, болалар кўлида сайқал топаётган миллий хунармандчилик буюмларини кўздан кечирдилар ва улар билан дилдан суҳбатлашдилар.

Бу эса эртанги кун ижодкорларининг илҳомига, интилиш ва изланишларига кўр бўлгани аниқ. Ахир, хунаринг, меҳнатларининг маҳсули кўз-кўзланса, катталар назарига тушиб, ҳалол баҳосини оладиган бозорда ўз қадрини топса — Бахтинг, бахтиёрлигинг тантанаси эмасми? Қолаверса, ярмарка сабаб, турли вилоятлардаги хунарманд тенгдошларинг билан танишиб олганинг ҳам катта қувонч-ку!



Суратда: Ярмарканинг очилиш пайти.



Яқинда Фаргона вилояти, Кува туманидаги 84-сўхатгоҳ интернатида ажойиб бир учрашув бўлиб ўтди. Мактаб-интернат ўқувчилари узларининг сеvimли эшиттиришлари бўлмиш «Келажак тонги» билан учрашув баҳонасида «Тонг юлдузи» газетаси ва «Ўқитувчи» нашриётининг жонкуярлари билан учрашдилар. Учрашувни Маориф ва тарбия бош муҳарририятининг Бош муҳаррири Эркин ака Маликов бошлаб бердилар.

— Бундай самимий учрашувлар биз ижодкорларга жуда кўп нарса беради. «Жамалак ўртоқлар», «Белбоғли йигитчалар», «Она юртим — олтин бешигим», «Хўрозқанд» деб номланган қатор эшиттиришларимизни тинглаб борасизлар. «Келажак тонги» деб номланган эшиттиришимизнинг ҳам мухлислари талайгина. «Кичкинтой-ширинтой» деб номланган эшиттиришимиз сизларнинг сеvimли шоиранинг Умида Абдуазимованинг «Ширинтой» деган кўшиғи билан бошланади.

Даврамазда «Ўқитувчи» нашриётининг бош муҳаррири Иброҳим ака Муҳаммаджонов ҳам ўтирибдилар. Сизларнинг ҳар бир ўқиётган китобингиз ана шу кишининг кўлларидадан ўтади. Иброҳим акангизнинг сўзларига бир кулоқ тутинг-а:

— «Ўқитувчи» нашриётимиз яқинда 60 ёшга киради. 60 йилдан буён Республикаимизнинг барча ўқув масканларида ўқийдиган талабаларга, мактаб ўқувчиларига, ота-оналарга тааллуқли бўлган дарслик ва қўлланмаларни чоп этиб келади. Бу йил ҳам 301 номда 30 миллион нусхада дарслик китоблари чоп этилади. Нашриётимиз юртимиз адабиёти, тарихига доир янги дарсликлар чиқаришни давом эттираяпти. Бундай китобларни нашр

этишнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Шундай экан, ҳар бир китоб камида беш, ўн йил ўқувчиларга хизмат қилиши керак. Шу ўринда сизлардан бир илтимосим бор, дарсликларни авайлаб, асраб тоза тутинглар. Сизлардан кейинги ука ва сингилларингиз ҳам ана шу китобларни ўқиб, билим олишларини унутманг. Шундагина биз нашриёт ходимлари ўша дарсликларни қайта-қайта чиқариш ўрнига янги-янги китоблар чиқарган бўлардик. Энди икки оғиз сўзни Умида опангиздан эшитинг:

— **Атрофингни девор билан ўрама, дўстлар билан ўра деганларидек, мана бугун «Келажак тонги»нинг дўстларини кўргани «Тонг юлдузи»нинг ҳам дўстларини топгани келдик, — деди Умида Абдуазимова. Азиз ўқувчилар, сиз айни билим олиш ёшидасиз. Билиминг шундайки, у кийимсиз бўлсанг ҳам ўзингга қолади, деган экан Абу Райҳон Беруний. Бу сўзларнинг маъини чақиб, қадрига етиб, билимдонликни ошириб, устозларингизнинг ҳар бир сабо-**

корлик дастасининг аъзолари ижро этган ажойиб куй ва қўшиқлар даврага файз бағишлади. Айниқса, 6-синф ўқувчиси Зафаржон Ҳошимов ижросидаги «Отмағай тонг» қўшиғи кўпчиликка манзур бўлди.

Куй ва қўшиқлар қизгин мунозара, савол-жавобларга уланиб кетди. Ўқувчилар ҳамда уларнинг устозлари меҳмонларни, шоирлару ноширлар, маориф ва тарбия бош муҳарририятининг ижодкорлари Муаттар опа Усмонова, Минҳожиддин Мирзо, Абдурашид ака Исроилов, Муҳаммаджон ака Аҳмедовларни саволларга кўмиб ташладилар.

Учрашувга келганлар орасида Кува тумани ёш қаламкашлари ҳам, ижодкор устозлар ҳам талайгина эди.

*Куваликлар юрак билан сўзлашади,
Дўст-душманга омонликни кўзлашади.
Бешиқдаги гўдакни ҳам сизлашади,
Куваликлар кўнглида кир-ғубори йўқ.*

Даврага 17-мактаб ўқувчиси Азизахон Исмоилова чиқди. Ёдингизда бўлса, унинг шеърлари «Келажак тонги»даги фасллар мушоирасида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлган эди. Йиғилганлар Азизахонни сами-

бўлган қисқагина мулоқотимиз бугунги ишларимизнинг эртанги давомчилари хусусида бўлди.

° **Туманимизда болаларимизнинг ҳар томонлама етук, соғлом, билимли, ахлоқ одобли бўлишлари учун кўлимиздан келганича ҳаракат қилаймиз. Раҳбарларимиз ҳам ўқувчиларимизнинг зарур билимларни олишлари, хунар ўрганишлари учун нимаки зарур бўлса ҳаммасини муҳайё қилиб беришяпти.**

Менинг ўзим адабиёт — санъат, бадий ижод ихлосманди бўлганлигим туфайли сўзимни шундан бошлаб қолмай. Ажойиб шоирамиз, меҳрибон мураббия Зухраҳон Алиева раҳбарлигида ижодкор ўқувчи ёшлар марказини ташкил қилганмиз. Чунки ижодкорлар камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф қилиш йўлидаги истак ва тилакларни одамларга қандай етказиш йўллари чиройли ва нафис калом билан изҳор эта оладилар — да. Шу ўринда мен бир воқеани айтиб берай.



Фойдаланишлари хорижий тилларни тезлик билан ўрганишлари учун гамхўрлик кўрсатилганлиги сабаби маълум. Шу ўринда ҳам бир нарсани айтмай.

Ўшанда кувалик кўшма корхоналар раҳбарлари билан Туркияга боргандик. Иш юзасидан Кувага сим қоқишга тўғри келди. Телефонистка қизга ўзбекчалаб мақсадимизни айтдик. Бизнинг тилга яқин бир амаллаб тушунади, дедим-да. У бўлса: «инглизча гапиринг» деди. Гапира олмадим. «Немисча гапиринг» деди. Гапира олмадим. «Французча гапиринг» деди. Гапира олмадим. Шундан кейин қиз албатта ўзбекчани ҳам тушунди. Мен эса ўйлаб қолдим ва орзу қилдим. Ҳали кўрасиз, чет эллардан келаётган ишбирлармонлар каби бизнинг болалар ҳам чет элларда корхоналар очиш, янгиликлар яратиш, билганларини намойиш қилиш учун отланадилар. Кўраясиз, чет эллардан келаётганлар ростдан ҳам оғиримизни енгил қилишяпти. Мана бу «истиклол» қонфетини ҳам ўшалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқараяпмиз. Аммо минг афсуски, масаллигини топдигу йилтироқ қоғозига келганда Германияга боришга тўғри келмоқда.

«Кува» печеньесини ҳам ўшалар ёрдамида одамларимизга тутмоқдамиз. Вақт келади, тинчлик бўлса, омон бўлсак, ниятларимиз ушалади».

Кувадаги кувончли учрашувлар мухлислар қалбида ҳам, ижодкорлар оламида ҳам ўзига хос мактаб яратгани аниқ эди.

Насиба ЗИЁВУДДИНОВА.

Кувадаги кувончлар

гидан унумли фойдаланиб, ўсиб-улғайишингизни истайман. Болалик — подшолик даврингизнинг қадрига етинг. Сизларга қараб туриб, куйидаги шеъримни ўқиб бергим келди:

*Мен ўлдим, бизникилар
Олдинга ўтиб кетди.
Қаёқдан ҳам ўлибман,
Ётатураман энди.
Ерга қараб ётибман,
Ҳафа бўлиб, қийналиб,
Гўё тошдек қотибман,
Гуллар билан сийланиб.
Тургим келар, ўйинда —
Фирромлик ярашмайди.
Улар ўтар айланиб,
«Ўлган»га қарашмайди.
Ўйин тугасин, албат
Болаларни йиғаман.
Ўлиш бўлса — битта гап:
Мен ўйиндан чиқаман.
Оламга, одамларга тинчлик
тилайман. Ҳатто ўйинларингизда ҳам уришқоқлик бўлмасин.*

Шундан сўнг мактаб-интернат қошидаги «Ниҳол» бадий ҳавас-

мий кутлаб шеър навбатини унга беришди.

*Ой сузар самода, кун бўлар адо,
Бу кўҳна заминдан ўтар, шох гадо,
Хўқандни кезади сирли бир садо
Мен сизни ўйлайман Нодирабегим.*

*Нечун ой юзини тўсар доғ қаро,
Қафасда гул унар тиканлар аро,
Меҳр кўнган юзлар қалбида яро,
Мен сизни ўйлайман Нодирабегим...*

Учрашув ана шу тарзда фикр ва мулоҳазаларга, қизиқарли мунозараларга, ажойиб шеърлар лаҳзаларга бойлиги сабаб меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам унинг тугашини сира хоҳлашмасди. Фаргона вилояти Халқ таълими бўлими мудири Турсунали ака Қурбонов кечага яқун ясар эканлар, вилоятимизнинг барча ўқитувчилари ва ўқувчиларини қувонтирадиган ниҳоятда гўзал воқеадир, — бу, деб таъкидладилар.

Шундан сўнг биз қайтар эканмиз, Кува тумани ҳоқими Муҳаммаджон ака Носиров билан учрашдик. Бизнинг улар билан



БИЛМАСВОЙГА «АЛИФБЕ»



Миш-миш. Нима эмиш? Билмасвой китоб ўқийтган эмиш. Йўғ-э, дейсизми? Ишонаверинг узим кўрдим. Яна қандай китоб денг, «Алифбе» китоби. 1-«Б» синф ўқувчилари совға қилишган эди-ку. Қачон дейсизми? Келинг, яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай.

Ўқишлар тугаб, ёзги таътил бошланиши арафасида мактабга бир болакай кириб келибди. Оддий бола эмас, гаройиб бола экан. Кийимлари алмойи-алжойи, гап-сузлари кулгили, бошида каттакон соябонли қалпоқ. Яна бирам мақтанчоқлигини айтмайсизми? Башанг кийиниб, қўлларига гулдасталар тутиб байрам қилаётган шахримиздаги 249-мактабнинг 1-«Б» синф кичкинтойларининг ёнига келиб, уларни мазах қила бошлабди:

— Вой-вой-э, мана бу болаларнинг озодалигини-чи. Билагонликларини қаранг, худди Биларжоннинг узгинаси-я! Ҳой мақтанчоқлар, бу ерда нима қиляпсизлар?

— Бизми? Байрам қиляпмиз, — чуғуллашди болалар. — Кел

сен ҳам даврамизга кўшил. Йил давомида олган билимларимизни, синаб кўряпмиз.

— Мақтанчоқлар-э, ўзи бирон нима биласизларми?

— Кўп нарсани ўрганиб олдик. Ишонмасанг синаб кўришинг мумкин.

— Ҳозир синаб кўраманда. Билмасвой шундай дейишга дебди-ю бироз ўйланиб қолибди. Синаб кўриш учун ўзи ҳам бирон нарса билиши керакда ахир. Болаларга сир-бой бермай, шундай дебди:

— Билганларингизни бир бошдан айттаверинглар.

Шундан сўнг кичкинтойлар кенг дара олиб бийрон-бийрон сузлай кетиш-

ди. Алфавитда неча ҳарф, товуш борлиги, улардан нечаси унли, ундош эканлигидан тортиб, она Ватан, мустақил диёримиз, унинг сарҳадлари-ю бойликлари, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақида билганларини гапириб беришди. Ойдин она юрт ҳақида шеър айтди. Мадина қушиқ куйлади, Наргиза эса ўтинчи чол ҳақида эртақ айтиб берди. Ҳарфлар тартибига мос навбатма-навбат мақол ва маталлар, топишмоқлар айтишди. Кулгили сахна кўринишлари ихро этишганда Билмасвой ҳам роса мириқиб кулди.

Дарвоқе, бу синф инглиз тилига ихтисослашган экан. Кичкинтойлар инглиз тилида ҳам худди ўз она тилидагидек эркин шеър ва қушиқлар айтиб беришганда, меҳмонлар ва ота-оналарга қўшилиб Билмасвой ҳам беихтиёр қарсақ чақиб юборди.

Байрам сўнгиди ўқувчилар Билмасвойга ўқиб-ўргансин, дея «Алифбе» китобини совға қилишди. Билмасвой эса китобни еб кўяёзди. Болалар китобни еб бўлмастлигини, билимдону зукколиклари ана шу китобдан эканлигини айтишганда, Билмасвой севиниб кетди. Ўқиб-ўрганишга, энг муҳими, мақтанчоқлик қилмасликка сўз берди.

Мен ҳам ана шу байрамда бўлгандим. Билмасвой тимсолини қўйил қилиб ижро этган Азизжон билан ҳам танишдим. Ўқувчиларнинг билимдон, дадил ва зукколикларига, қолаверса, уларга таълим-тарбия берган устозлари Маъмура опа ҳамда Карима опаларнинг маҳоратларига қўйил қолдим. Ёзги таътиллариининг қувноқ, серзавқ, сермазмун утишига тилақдош бўлиб, бир олам таассуротлар билан қайтдим.

Ҳозир айна таътил кунлари. Билмасвой болалар совға қилган китобни ўқиб, худди улардек билимдон бўлишга ҳаракат қиляпти.

ЮЛДУЗХОНнинг таассуротларини оққа туширувчи Ф. ЖАЛИЛОВА.



Отларга эгар-жабдуқ қамчи, новвосларга нуқта, арқон ясовчи хунарманд болалар мусобақаси... Яқинда ўтказилган бу кичик қарли беллашувда Учкўприк туманидаги 8-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Обиджон Бурхонов берилган 60 минут ўрнига 12 минутда кичик ёшдаги новвослар учун нуқта тикиб голиб бўлди.

Ушбу хабар бизни «Кумарик» қишлоғига, Бурхоновлар хонадонига етаклади.

Ибратли оилалардан бири, хонадондаги олти нафар боланинг ҳаммаси хунарманд, одоб-ахлоқли, яхши ўқишади, меҳнатсевар, — дейишади қишлоқдагилар. Оила аъзоларининг суҳбат мавзуи хунар ҳақида бўлди.

ЗОКИРЖОН БУРХОНОВ, ота:

— Уч йилдан буён 8-мактабда очилган тўгаракда қизиққан болаларга хунар ўргатаман. Нуқта тикамиз, жуған, қамчи дегандай... Ушбу хунарнинг одамларга ёққан яна бир томони шундаки, унинг учун жой танламайсиз, киш кунлари қаер иссиқ бўлса, ўша ерда, ёз кунлари эса салқин жой топиб олиб тикаверасиз. Хом ашё масаласи ҳам унча қийин эмас. Ошланган тери (уни бозордан тўкса бўлади), ип, оддий темирдан чилангарлар ясаб берадиган бурама ҳалқа, яна «постринка» деган нарса бор. Битта кичик ёшдаги бузокларга зарур бўладиган нуқта 10 сўмга тушади. Биз бозор кўтаришига қараб 12-15 сўмга сотамиз. Одамлар биздан рози бўлиб сотиб олишади. Муҳими, ҳалол пул топамиз.

РАЪНОХОН БУРХОНОВА, она:

— Дадам раҳматли Тожибоев Ашрафбой шу хунарни қилардилар. Биз оилада ўн фарзанд эдик. Ўн етти ёшда эдим ўшанда. «Хунар ўрган болам, хунарли одам қандай замон бўлишидан қатъий назар оч қолмайди, хор бўлмайди» дедилар бир куни дадам мени ўрганишга чорлаб. Орадан йиллар ўтди. Ушбу хонадонга келин бўлиб тушганимга уч йил бўлганида... Бир куни уйда ўтириб зерика

лар янада кўпайса, биз эса чавандозларга эгар-жабдуқ, қамчи, арқон ясайверсак, дейман. Бутун оиламизнинг мақсади ҳам шу.

ЧАРОСХОН:

— Баъзан дугоналарим ҳазиллашиб: «Шундай ўткир пичоқ билан ишлайсан-а, кўлингни кесиб олишдан кўркмайсанми?» дейишади.

Мен эса: «Аллақачон пичоқ, игна, темирни қандай ушлаш, улар билан қандай «тиллашиш»ни ўрганиб олганман» дейман. Бундан ташқари мен далага чиқаман, бичиш-тикишни ўрганапман, хуллас, бўш вақтим йўқ.

МАВЛУДАХОН:

— Менинг эса ёзги таътилда қиладиган ишларим шу қадар кўпки, қай бирини аввал қилишни ўйлапман. Кичкинтойлар Ботир билан Хуснижаҳонга хунар ўргатиш менинг зиммамда. Бичиш-тикиш ишларини ўрганапман. Уй ишларига ёрдам бериш, далага чиқиш, яхшиси, кун тартиби тузиб олишга тўғри келади.

«Фарзандларингиз хунар эгаллашга астойдил киришдим, омадим келди, деяверинг», деган эди бир мўсафид. — Унинг юриш-туришидан ҳам, чақириб келган оғайнисидан ҳам хавотир олманг. Ундан ёмонлик чиқмайди» Қахрамонларимиз Бурхоновлар оиласи фақат маҳаллада эмас, балки қишлоқда ибратли оила, деб шуҳрат топган экан, бунинг сабабчиси, албатта хунарни эъзозлаётганларидандир.

Ҳафизахон ХАЙИТМЕТОВА, Фаргона вилояти.

ТУЛПОРЛАР КЎПАЙСИН, ДЕЙМИЗ

бошладим. «Дадамнинг хунарларини қилсам-чи» дедим ўзимга ўзим. Кечкурун мақсадимни турмуш ўртоғимга айтдим. У киши маъқулладилар. Мана, ўн беш йил вақт ўтибди ҳамки, бу хунарни қилиб кам бўлмадик. Олти нафар фарзандимнинг ҳаммаси шу хунарни қилишмоқда. Айниқса қизим Барнохон, Чаросой, Обиджон, Мавлудахонлар хунарнинг хўп ҳадисини олишган.

ОБИДЖОН:

— Бобомдан мерос бўлган хунаримни жуда яхши кўраман. Мақсадим қадимий касб-хунарларимиз яна аввалгидек ривожланса, яна бир орзуим мустақил юртимизда саман отлар, чопқир тулпор-

ни хурсанд қилишга ҳаракат қилади. Биз барчамиз келгусида Нафиса Алимовадек ўз ишининг фидойиси, билимдони бўлишга интиламиз.

Нигора МАМАДАМИНОВА, Тошкентдаги 113-мактабнинг 3-синф ўқувчиси.

АГАР МЕНДАН СЎРАШСА

Кўпинча тенгдошларим мендан: «Сенга дарс бераётган устозларингдан қимми кўпроқ яхши кўрасан?» деб сўраб қолишади. Ана шунда мен «Нафиса оламни» деб жавоб бераман. Нега деганда у киши

ширинсуз, меҳрибон, талабчан устозлар. Кийинишлари, сузлашлари ўзларига жуда ярашади. Синфимиздаги ҳар бир ўқувчи дарсга пухта тайёрланиб келишга, дарс пайтида тартиб сақлаб, аъло баҳога жавоб бериб, устоз-

СИТОРА

Кечки овқатга уннаётган Фарида опа кизи Ситоранинг овозини эшитиб тухтади. Қушни хонага аста муралади. Уч ёшли қизалоги қуғирчоғини рақсга туширганича қушиқ айттарди.

Кўғирчоғим Лолахон, Малоҳати бир жаҳон, Юзида бордир ҳоли Жилмайиши иболи

— Ойижон, қуғирчоғимнинг юзига хол қўйиб беринг, — деди бирданга онасига қузи тушиб қолган Ситора жиддий. — Қаранг, унинг юзида холи йўқ.

Фарида опа: «Вой сен-ей, шунгайм эътибор бердингми» — дея қизчасининг истагини бажарди.

Орадан бир неча ой ўтди. Жажжи Ситорадаги қушиқ айтиш, рақс тушишдаги қобилияти фақатгина онасининггина эмас, оиланинг бошқа аъзоларининг ҳам эътиборини торта бошлади.

Кунларнинг бирида Фарида опа қизчасини «Томоша» ансамблининг раҳбари Нодира Шаҳобовна хузурига етаклади. «Қизчамни бир синаб курсангиз» деди у бироз тортиниб.

Нодира опа Ситорани қушиқ айттириб, шеър ёдлатиб, рақсга тушириб кўрди. Қизалоқ устоз диққатини тортди. Шу кундан бошлаб уч ёшли Ситора Аҳмедова ансамблининг энг ёш иштирокчиси сифатида фаолият курсатиб келмоқда.

Яқинда Ситора сингари унлаб, юзлаб шогирдларни ўз бағрида тарбиялаб, улар дилида санъатга янада кўпроқ меҳр уйғотаётган Нодира опа ва уларнинг шогирдлари ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. «Туркистон» саройининг муҳташам биносиди 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини «Томоша»нинг етти ёшга тулганлиги муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Маросимда «Томоша»нинг кўпчилик муҳлислари, санъаткор, ижодкор устозлар иштирок этишди.

Тантаналарда Ўзбекистон республикаси вазирилари маҳкамаси раисининг уринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова, Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова қатнашдилар ва эсдалик совғалари топширдилар.

Т. АХМЕДОВА. Суратда: Жажжи Ситора Аҳмедова. Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.





Азиз уқувчилар, Нилуфар опангиз Андижон вилояти Балиқчи туманида жойлашган Урмонбек қишлоғида туғилган. Болалигидан шеър ва қўшиқ шайдоси Нилуфар Давидова шу кунларда Фаргона Давлат дорилфунунида сиртдан таҳсил олиш билан бирга сиз каби қора кузларга урганганларини ургатишга ҳаракат қилмоқда. Яхши утилган бир соатлик дарс истеъдод билан ёзилган бир китобнинг завқини беради. Ана шундай завқли, узининг яхши дарс соатларидан руҳланган кунларида Нилуфархон муҳаббат, меҳр-оқибат ҳақида шеърлар ёзади. Сиз болажонлар кунлига яқинроқ ёндошишни уйлайди. Қуйида Нилуфар Давидованинг шеърларидан ўқийсиз.

КЎФИРЧОҚ ВА ҚИЗАЛОҚ

Қўлларимда қўғирчоқ
Она бўлгим келади.
Фарзандимга қўзмунчоқ
Тақиб кўнглим тўлади.

Болам ўзимдай юввош
Сўзлашмоққа чоғланмас.
На кулмас, на тўқиб ёш,
Ҳарҳашада йиғламас.

Зерикиб кетдим жуда
Мен — уч ёшли қизалоқ,
Келтираман ойимдай
Йиғлайдиган чақалоқ...

ЙИҒИСИНИНГ СИРИ

Қўзичоғим марайвериб
Сира жағи тинмади.
Ўт берсам ҳам, суя берсам ҳам,
Жим бўлишга кўнмади.

Ранжитдимми, инжиттимми?
Ҳафа қилди ким уни?
Бўлди, топдим! Сакраб чопдим,
Тўлдирай деб камини.

Бир ой аввал, шомдан сал-пал
Ўтганда туғилганди.
Майса терай, конфет берай,
Торт ҳам еб олсин энди...

ТУЛКИНИНГ МАСЛАҲАТИ

Доктор Тулки, солинг қулоқ
Касал бўлди Шалпанқулоқ.
Оғримоқда тинчлик бермай,
Давосини айтинг тезроқ.

Тулки деди: Қулоқ сирини,
Мураккабдир ўйлаш керак.
Даволашинг энг осони —
Шартта кесиб ташлаш керак.

ЖЎЖАМАН

Жўжаман, дўстлар қаранг,
Бор вужудим сариқ ранг.
Онам кўйган тухумдан
Қочиб чиқдим мен аранг.

Нилуфар ДАВИДОВА,
Андижон вилояти,
Балиқчи тумани.

«МАШАҚҚАТЛИ МАШҚ, МАРОҚЛИ ДАМ БОРДИР...»

— Ҳа, ушанда синфдошларим орасида изза бўлганимни сира унутолмайман. Жисмоний тарбия ўқитувчимиз мактаб атрофини икки марта югуриб келишимизни топширганларида маррага энг охирида зурга етиб келгандим, уртоқларим эса устимдан роса кулишганди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, мен ўз устимда машқ қила бошладим, югурдим, сакрадим, хуллас ўзимни чиниқтира бордим. Мендаги ижобий томонга булган ўзгариш нафақат ўзимга, балки уртоқларимга ҳам сезила бошлади. Ўзимга булган ишончим орта борганди-да, — дея ҳикоя қилади Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси Абдурахмон ака Отамуродов болалик чоғларини хотирлаб. — Эндиликда спорт ишқибозларига мураббийлик қилаяпман. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимизда фарзандларимизни бақувват, баркамол, етук қилиб вояга етказиш учун барча шароитлар яратилган. Алоҳида спорт зали, иккита қўл түпи, иккита баскетбол, иккита волейбол уйнаш учун мулжалланган майдончалар ва югуриш манежлари бор. Бу майдонлар доимо болалар билан гавжум.

Абдурахмон аканинг ўғиллари ҳам ота изидан кетишмаяпти. Зафар Отамуродов 8-синфда ўқийди, мана шу спорт мактабиде таҳсил олади. Футбол бўйича чемпион ҳам булган. Баҳодир Отамуродов эса миллий кураш тури билан шугулланади.

Спорт мактабиде Абдурахмон ака сингари фидойи мураббийлар талайгина. Футбол бўйича тренер В. Султонов, Т. Саидовлар, миллий кураш тренери халқаро мусобақалар қатнашчиси, спорт устаси А. Зоиров, С. Раҳматов, У. Қўзиёв, шахмат-шашка тренери У. Ақромов, стол тенниси мураббийси Қ. Ҳамроев, Н. Наимовлар шогирдларидан бор билим ва маҳоратларини аямайдилар.

— Бизнинг «Умид» футбол командамиз вилоят мусобақасида иккинчи уринни эгаллади, — дейди футбол командасининг капитани, спорт мактабининг чемпиони Лутфулла Гайбуллаев. — Яхши натижаларни қўлга киритаётган болаларимиз орасидан вилоят терма командасига қабул қилинганлари ҳам бор. Ҳозирги кунда улар вилоят биринчилигига қизгин тайёргарлик кўришмаяпти.


Лутфулла 8 ёшидан спорт билан шугулланаётганини, мактабни битириб олийгоҳга киришини, болаларга спорт бўйича мураббийлик қилиш орзуси эканлигини фахр билан тошиб-тошиб, шошиб-шошиб гапириб берди. Нима ҳам дердик, Лутфулла, орзуларинг ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин!

Шахмат ва шашка бўйича эса 9-синф ўқувчиси Ботир Элов уртоқлари орасида голиб чиқиб, туман чемпиони бўлди ва уни Бухоро вилояти шахмат командасига қабул қилишди.

Чемпионликни қўлга киритишда фақатгина ўғил болалар эмас, қизлар ҳам буш келишмади. 7-синф ўқувчиси Раъно Насуллаева стол тенниси бўйича туман чемпиони бўлди. 9-синф ўқувчиси Дилноза Исломова қўл түпи командасининг капитани, мактаб чемпиони. У 5-синфдан буён спорт билан шугулланиб келади. Дилнозани нафақат қўл түпи майдонида, балки баскетбол, волейбол ишқибозлари орасида ҳам учратишингиз мумкин. Унинг 7-синфда ўқийдиган синглиси Нигора ҳам орасидан сира қолишмайди.

Тинимсиз машқ қилаётган болаларни кузатар эканмиз, уларнинг жонкуяр мураббийлари ёрдамида спортнинг нозик сирасорларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилишайтганини кўриб ҳавасимиз ортди. Ахир «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам болаларимизга булган гамхўрликлардан бири эмасми? Қуз-қуз қилса арзигулик ана шундай болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бошқа туман, вилоят ва шаҳарларда ҳам бўлса айни муддао булар эди.

Феруза ОДИЛОВА, Бухоро вилояти.



СУРАТЛАРДА: 1. Мактабнинг энг яхши спортчилари, Дилноза Исломова, Нигора Исломова, Лутфулла Гайбуллаев, Баҳодир Отамуродов, Зафар Отамуродов, Азиз Азимов.

2. Абдурахмон ака Отамуродов ўз ўқувчилари билан югуриш мусобақаларига тайёргарлик кўришмаяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

МАРКАЗ 25 ЁШДА

1970 йилнинг баҳори. Каттақўрғон шаҳрининг ёш техника ихлосмандлари ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. Чунки ўша баҳорда «Ёш техниклар станцияси» тўғараклари ўз ишини бошлаган, биринчи қатнашчиларини қабул қилган эди. Масканга пахта териш машиналарининг биринчи ихтирочиси Гулом Аҳмедов номи берилди. Шаҳарнинг турли мактабларидан келган 50 нафар ўқувчи радиотехника, сураткашлик, кemasозлик, авиамоделчилар тўғаракларида билим ола бошлашди.

Тез орада станциянинг радиоспорти тўғараги иши ривожланиб кетди. Болалар тажрибали мураббий Павел Роголин раҳбарлигида собиқ Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, 3-уринни эгаллашди. Тўғаракнинг 13 нафар аъзосига «Артек»да дам олиш учун йўлланма берилди.

Орадан йиллар ўтди. 1992 йилда станция «Ўқувчи ёшлар техника ижодиёти маркази»га айлантирилди. Бу орада марказ қошида янги томошагоҳ барпо этилди. Тўғараклар сони 22 тага етказилди. Унга қатнашаётганлар эса 900 тага етди. Болалар ёғоч уймакорлиги, зардўзлик, электрон-автоматика, картинг, моҳир қўллар, дурадгорлик ва бошқа тўғаракларда турли ҳунарлар ўрганишмаяпти. Айниқса, бу жой болаларнинг касб танлашларига, ўз қизиқишларини пухта синаб кўришларига имкон яратмоқда.

Яқинда ушбу билим ва ҳунар масканининг 25 йиллик тўйи нишонланди. Тантаналарда Каттақўрғон шаҳар ҳокими Бехзод Зокиров қатнашиб, марказнинг устоз ва ўқувчиларини муборак сана билан қутлади. Шаҳар ҳокимияти, Самарқанд вилояти халқ таълими бўлими бошқармасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғаларини топширди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компютерида теришди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табақ. Буюртма — Г 0253. 11.000 нускада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25